

САДРИДДИН САЛИМОВ
ЁРУҒЛИК ОДАМИ

Шеърлар

ТОШКЕНТ

Ғафур Ғулом номидаги
Адабиёт ва санъат нашриёти
1983

Уз 2
С 26

С 70403 — 54 54—83 4702570200
М 352 (04) — 83

© Гафур Гулом номидаги Адабиёт ва санъат наш-
риёти, 1983 й.

* * *

Шиддат билан югурар осмон,
Ортда қолгай офтоб паришон.
Кетаётган булутлар қайтар,
Қут-барака қўшиғи айтар.
Шамолингни чақирма, Ҳайдар,
Кетаётган булутлар қайтар..!

ЕЗ

Минора турибди Ҳансираб,
Қайдан келмоқда эпкин?
Минора турибди Ҳансираб,
Елпиган лайлакмикин?

Қисқарар минора сояси,
Эрийди соя кам-кам.
Қисқарар соя ҳикояси,
Ҳансираб бутун олам...

* * *

Шергирон қишлоғи,
Қиздирмоқда саратон,
Терлайди қишлоқ.
Қизиган мисли хумдон
Йўлдаги тупроқ.
Қишлоқдан ёзиб қулоч,
Келар сой сари
Рембрандтнинг яланғоч
Фаришталари...

* * *

Ариқ бұйи—туянинг ұрқачлари,
Қуёш пастга тушаётир туядан.
Қушлар учиб келмоқда чайла сари,
Чайлачанинг ёнида порлар гулхан.

Тун қўйнига киради анжир тани,
Узоқлардан ҳаққуш бермоқда садо.
Қўлларида узун таёқ, подани
Ҳайдаб келар ўтлоқдан Одам Ато...



Шоҳи кўйлак кийиб кўк қарға шодон
Қуёшга ўзини этмоқда кўз-кўз.
Текис униб чиққан ғўзани деҳқон
«Емон кўздан асра», деб бошлайди суз.

«Очилади барака булоқлари
Тугади, худога шукур, ягана!»
Қизимоқда ғўзанинг қулоқлари,
Уфқ—пахтазорга зарҳал остона.

* * *

Сўфи—хўроз овозлари
Урилади қалъага.
Сигир эса сут йиғмоқчун
Йўл олади далага.

Ўз аксини сой бетида
Кўрмоқчи бўлар шамол.
Капалакнинг қанотида
Тонг отмоқда безавол.

Уфқ кўкка олиб чиқар
Бир этак пахта—оппоқ.
Кейин қуёш кўрсатар юз,
Сўзлайди яқин-йироқ.

* * *

Кўҳна тол, кўҳна ҳовуз,
Эсмоқда янги шамол.
Кўҳна кўк, кўҳна юлдуз
Сурмоқда янги хаёл.

Майсалар этар парвоз—
Бир нафаслик куй билан.
Турибман лол, беовоз,
Мен минг йиллик ўй билан.

МАШРАБ

Замонга сирмаган овозни
Бўғолгайми арқон?
Макондан ҳам баланд парвозни
Кесолгайми султон?

Чашмалар мақсади эғудир,
Чашма мангу равон.
Чироқда жонфидо туйғудир,
Учмагай ҳеч қачон...

Қорозга томадир, томадир
Синёҳ эмас, қон-қон.
Мангуга ёнадир, ёнадир
Мисра-мисра исён...

* * *

Самадга...

Мўъжиза беҳисоб дунёда:
Мўъжиза—муҳаббат, садоқат.
Биз уни ахтардик пиёда,
Биз уни ахтардик бетоқат.

Биз шуҳрат ортидан кетмадик,
Юрмадик қинғирлик йўлидан,
Тўғри сўз гапирдик беҳадик,
Боқмадик бировнинг қўлига.

Қимгадир юрмадик суяниб,
Бировни этмадик биз қалқон.
Эзгулик йўлида жон олиб,
Эзгулик йўлида бердик жон.

Бўлмадик бировлар одами,
Тобелик устидан кулдик биз.
Зулматдир ундайлар олами,
Еруғлик одами бўлдик биз.

* * *

Дўстим, сира бўлмагин ҳайрон
Милтиқдан мен қўрқмаган дамлар.
Қўрқитади мени, сен ишон,
Ҳайратлари ўлган одамлар.

Юрагимда олов—ҳаяжон,
Ўлдиролмас мени аламлар.
Ўлдиради мени, сен ишон,
Туйғулари ўлган одамлар.

* * *

Жанг қизийди. Кишнаётир от,
Пиёдалар бўлмоқда қурбон.
Хавф остида қолмоқда ҳаёт,
Найзалардан томаётир қон.

Жанг қизийди. Қўллар бешафқат
Фарзинни ҳам, шоҳни ҳам сурар.
Аслида-ку қўллар рақобат
Этаётир, аскарлар қулар.

Икки рақиб учун ўйинчоқ
Пиёдалар, шоҳлар тақдири.
Бу ўйинда бўлмайди қочоқ,
Бири ғолиб, енгилса бири.

Доно ўйин.
Қойилман, инсон,
Бу ақлнинг заковатиға.
Лекин менинг қалбимда исён
Ўзга қўллар қабоҳатидан.

Ўзи четда. Ишора этар,
Майдонларга кирар одамзод.

Узи четда, йўқ унга хатар
Қулоғига кирмас дод, фарёд.

Узи четда, одамларни у
Доналарни қўйгандай қўяр,
Гоҳи чапга, гоҳ ўннга, ёҳу!
Томошабин бўлгайми башар?..

Истиқболни ўйлайман мудом,
Томиримда умид, аланга.
Йўлламайман, дўстлар, ҳеч қачон
Ўзим учун ўзгани жангга.

Истиқболим бўлажак порлоқ,
Отлиқ бўлмай, хоҳи пиёда.
Бўлмагайман лекин ўйинчоқ
Доналардай ушбу дунёда.

ЕВРОПАДА ШАҲИД БЎЛГАН АСҚАР СЎЗИ

Кенгликларни эшкин каби кезаман,
Товушимда дала-даштнинг ранглари.
Қайрилмаган қанотимни ёзаман,
Анқимоқда баҳорнинг оҳанглари.

Қапалаклар қўнган ўрик шохига,
Қанот қоқар, лекин учиб кетолмас.
Ўрик гули бўлгим келар гоҳида,
Ватанини улар ҳеч тарк этолмас.

Майсаларнинг елкасида титрар вақт,
Масофалар бўлиб қолар бир тутам.
Ўзбекистон қучоғида гуллар Бахт,
Гул ҳидидай анқиб чиқсайдим мен ҳам...

* * *

Яширмасди ҳеч армонини
Тилим узун бўлсин, дер эди.
Шунинг учун қўй забонини
Бир қўшимиз доим ер эди.

Йиллар ўтди шамолдай елиб,
Ҳамон мулзам у кўча-кўйда.
Ҳарифига билмас бас келиб,
Айб ундами ё ювош қўйда?..

* * *

Дарвозаи Ўғлондан¹ келар отнинг дупури,
Чавандозга писандмас йўлнинг чақир-чуқури.
Бувим кўзларида ёш, бувим кутар интизор,
Ижобат бўлмагайми дуоларнинг ҳеч бири?
Ўтди қанча қишу ёз, ўтди қанча навбаҳор;
Дарвозаи Ўғлонда тинмас отнинг дупури.

Қуръабинлар фолида келиши керак эди,
Катта тўй билан куёв бўлиши керак эди.
Бувим кўзларида ёш, келмайди хабар нечун?
Чор атрофи болага тўлиши керак эди.
Осмон бети мусаффо, тарқалиб кетган тутун,
Покиза осмонини кўриши керак эди.

Бувимнинг кўз ёшлари тасбиҳ донаси янглиғ,
Бувимнинг юрагига уруш санчган экан тиг.
У урушда бўлмаган, лекин қалби ярадор,
У қўлига олмаган ханжар ва ёки милтиқ,
Лекин унинг қалбида уруш санчган ўқлар бор...
Дарвозаи Ўғлондан келар отнинг дупури,
Ижобат бўлмагайми дуоларнинг ҳеч бири?..

¹ Бухоронинг ўн икки дарвозасидан бирининг номи. (Авт).

УСТОД АЙНИЙ УГИТЛАРИ

1

Мен ўзимдан кечганим нафас
Келажакдир устодим саси:
«Хиёнатнинг кичиги бўлмас,
Хиёнатнинг бўлмас каттаси».

2

Осмонни этмай ҳавас
Катакка уради тўш.
Парвозларни кўзламас
Ортиқча дон еган қуш.

3

Биров излар дунёдан шуҳрату шон,
Бировлар мансабга човут солдилар.
Биров дарахт экиб қолдирмоқчи ном,
Ном ўйиб дарахтга биров қолдирар.

4

Ҳақгўй одам яшар доим бетаъма,
Ҳақиқатнинг йўлини тўсиб бўлмайди.

Ҳақгўй тиллар кесилса, ажабланма,
Ҳақиқатни лекин кесиб бўлмайди.

5

Ялтироқ қурт осмонга боқиб,
Юлдузларга деди тутоқиб:
«Қаранг, сизнинг туркумга қўшди
Мени, она-табиат ёқиб».

6

Ўзи учун куйламади ҳеч,
Ўзи учун йиғламади ҳам.
Ўзи учун сўйламади ҳеч
Ҳақиқатнинг қалқони қалам.

7

Поёнига умр етса-да,
Орзуларга бўлдим гарқ.
Мен дунёни тарк этсам-да,
Дунё мени этмас тарк.

* * *

Куз шамоли сим-сим эсиб,
Дарахтни ечинтирар.
Кейин висол завқин сезиб
Бўса олиб тентирар.

Ким бўларди бунга гувоҳ,
Юлдуз булутга банди.
Пахса-девор мудрар, э воҳ,
Оғзини юмган тандир.

* * *

Деразалар юмди кўзини,
Шоҳруд¹ ичра шовиллайди тун.
Деразангга босиб юзингни,
Кутаяпсан интизор, дилхун.

Деразалар очди кўзини,
Шоҳруд ичра оқа бошлар кун.
Қуёш ўпар юзинг изини,
Кутаяпсан. Келмайди нечун?

Деразанг-чи, кутади ҳамон,
Шоҳруд ичра оқади ойлар.
Умидини этмасдан қурбон,
Деразалар интизор пойлар...

¹ Бухоро шаҳри ўртасидан оқиб ўтадиган ариқнинг номи. (Авт.).

* * *

Пахса девор мағзидан
Қад кўтардинг, ниҳолчам.
Пахса девор мағзидан
Сув кутардинг, ниҳолчам.

Пахса девор ерлигин
Унутганми бу нафас?
Қисаётир ниҳолчам
Сени нечун қасдма-қасд!

Булутларни қучдилар
Қунга чўзиқ қўлларинг.
Осмондан сув ичдилар
Ташна қолган тилларинг.

Усавердинг сервиқор
Бир кун муродга етдинг..
Чўкди-ю пахса девор,
Пойингда қолиб кетди.

* * *

Кенг саҳрода икки тошбақа,
Жой талашиб урушар, ёҳу!..

Уфққача чўзилган саҳро,
Депсинмасдан кезади шамол.
Кўз илғамас кенглиқда гўё
Яйраяжак ҳаттоки хаёл.

Юлдузларнинг кўзида кулгу,
Ҳилол эса олтинранг тақа.
Жой талашиб урушар, ёҳу,
Кенг саҳрода икки тошбақа.

* * *

Дарё ҳаромни ювиб,
Ҳалол эта билади,
Иўқ, дарё бўлолмадик.

Қуёш шўр тупроққа ҳам
Нур сочади беминнат,
Иўқ, қуёш бўлолмадик.

* * *

Пичоқ санчиб ўлдирган
Қотил аталар экан.
Пичоқсиз ўлдирганлар
Номи не бўлар экан?
Милтиғингни бир ёнга,
Қўйиб тургин, бўлди, бас!
Милтиқсизлар қалбимга
Бугун санчдилар тикан.
Бир бефарқ нигоҳ билан
Қуролсиз қотиллар гоҳ
Қон тўкмайин ўлдирар
Қанчаларни бемалол.
Эй, табиат, сен ўзинг
Бўлмасанг агар паноҳ,
Ожиз бўлар, тўсолмай
Бундайлар йўлин қурол.
Мен ханжардан ўлишни
Шараф деб атамадим,
Қасддан юракни ўққа
Рўпара этмоқ хато.
Лекин бефарқ нигоҳлар
Қаршисида туриб жим,
Жон бермоқни душманга
Раво кўрмайман ҳатто.

* * *

Бухоронинг паст кўчалари
Адаштирмас сайёҳни ногоҳ.
Бўлажаксан юрганинг сари
Лаби Ҳовуз ёнида пайдо.

Бухоронинг баланд минори
Минг йилдирки кўрсатади йўл.
Мана бунда шарқнинг бозори
Қарвон йўлин тўсолмагай чўл...

Тўғри, йўлинг кўпдир-ку, Ватан,
Лол бўласан тарих варақлаб,
Ақлинг етмай қолади баъзан
Тўғри йўлда адашганда қалб...

* * *

Лим-лим тўлиб турган бу ҳовуз
Ҳовуз эмас, Рустам котаси.
Инграётган ушбу чанқовуз
Чанқовузмас, Муқанна саси...

Жангу жадал тугайди бир кун,
Фисқу фужур топар интиҳо.
Рустам келар тақдирдан мамнун,
Дарвозани очар Бухоро.

Адаштириб чўлда ёвларни
Широқ келар узоқ сафардан.
Ҳилпиратар ол яловларни
Ва сўзлагай тенгсиз зафардан.

Ҳар кеч улар бўлади ҳозир,
Тонгда эртақ қўйнига кетар.
Мен — Рустамман, Широқман ахир,
Муқаннаман, юртдан боҳабар.

СОЦИАЛИСТИК МЕХНАТ ҚАҲРАМОНИ ХУДОЁР СУЛАЙМОНОВ СУЗИ

Дейдиларки: «Худоёрнинг тўққизта фарзанди бор, Етти қизу икки ўғил», дўстлар, этдингиз хато, Тўққизтамас ўнта менинг фарзандларимдир қатор, Унинчисин номи Пахта, танишингиз, марҳабо.

Етти қизу икки ўғлим ташвишлари бир томон, Бир томондир ўнинчисин бир ўзидаги ташвиш. Етти қизу икки ўғлим ташвишларин бегумон Унутарман Пахта қизим чақирганда ёзми, қиш.

Баҳор пайти алаҳласа иситмадан Муаззам, Чалинмасин иситмага Пахта деб, ўй сураман. Бетоб бўлиб қолса ногоҳ севган ўғлим Мурод ҳам Чалинмасин сарғаймага Пахта деб, югураман.

Офтоб уриб бош оғриққа йўлиқса гар Фарғонам, Пахта боши омонми деб, шошамай дала томон. Парвонадир атрофида Норбегию Фазилат Нур сочганда сахий қуёш, қовоқ уйганда осмон.

Етти қизу икки ўғлим Пахтанинг ташвишида: Пахта қизим томирида қоним оқар эрта-кеч. Ором нима билмадим мен умрим ёзу қишида Оталарнинг ташвишлари зеро адо бўлмас ҳеч.

* * *

Ортада қолди шуҳрат-шон,
Ортада қолди бор унвон,
Равоқда қолди ҳамён,
Сино келаётир.

Оқ бедов айлар шитоб,
Йўлни ёритар моҳтоб,
Хуржунда фақат китоб,
Сино келаётир.

Минг йиллик йўл экан бу,
Минг йиллик фироқ, қайғу,
Бухоро этган орзу —
Сино келаётир.

Тарқалди овозалар,
Шамол йўлни тозалар,
Очилди дарвозалар,
Сино келаётир.

АФАНДИЛАР

Бухорода бисёрдир
Туғ кўтарган қаҳрамон.
Лекин Хўжа Насриддин
Баридан улуғ ҳамон.

Дор остидан, зиндондан
Тадбир-ла топган нажот.
Афанди авлодидан
Тарқалгандир Дон Кихот.

Дунё дарвозасини
Боғлай олган Искандар
Бир Насриддин оғзини
Боғлолмай бўлди мустар.

Ҳар замоннинг бўлганмиш
Ўз Афандиси бешак.
Ҳозир ҳам Афанди бор,
Минмайди лекин эшак.

Ҳар бир сўзга ишонган
Кишини кўрсалар гар,
Кулиб туриб, шу заҳот
Афанди деб атарлар.

Бировга бўлса қалқон,
Жонини қўйиб гаров,
Қайғурса ўзга учун,
Афанди, дерлар дарров.

Қимда бўлса-ю имон,
Яшаса камтар, танти,
Дерлар: «Ҳаётни билмас,
Афанди бу, афанди!»

Мен азалдан қаҳрамон
Халқимга этгум ҳавас.
Алпомишу Муқанна
Билан олганман нафас.

Лекин менинг қалбимда
Бугун ўзга аҳд эрур.
Бобом Афанди каби
Яшаб ўтмоқ бахт эрур.

Бор экан элнинг мисли
Виждони Афандилар,
Ҳақиқат бўлмайди хор,
Ҳақ деб тепади диллар.

СОҒИНЧ

Лаби Ҳовуз. Балхи тут —
Икки бўлинган жисми.
Яланғоч тугдай сукут
Этар юқори қисми.

Пастки қисми — ям-яшил,
Шохлари мисли биллак.
Уни қийнар муттасил
Қайтиб келмаган лайлак.

Ҳамон ҳувиллаб турар
Салла ўраган боши.
Дона-дона тўкилар
Ҳовузга соғинч ёши.

* * *

Бухоролик тароқчи Ашур бобога.

Томирлари, тиришмоқда,
Қуриб кетмоқда дармон.
Нок новдаси тароқчи чол
Мисоли ларзон-ларзон.

Ўтиб кетди шира-шарбат
Билан тўла ҳаёти.
Тилларидан таралмоқда
Унинг сўнгги баёти:

«Гар берсангиз умрингизни
Тароққа ҳам ярайди.
Маҳшаргача қўлларингиз
Мушкин сочни тарайди».

ҚҰҒИРЧОҚСОЗ ҲАМРОБИБИГА МАРСИЯ

— Кўзингизда ёш йўқ, қўғирчоқ?!
Хуштак, фарёд этмас бўғзингиз?!
— Бордир кўзу оғзимиз, бироқ
Йиғламанг ҳеч, деган бибимиз.

— Кўтармабсиз бел боғлаб тобут?!
Асо олиб турмабсиз қўлга?!
— Ўлим йўқ, деб берарди ўғит,
Биби келар, кўзимиз йўлда...

* * *

Юрагимни очиб қўйдим,
Очдим шундай яланғоч.
Сени танҳо, сени суйдим,
Сим-сим тилсимингни оч!

Мен боримни тутдим сенга,
Қалбим — борим, давлатим,
Широқдан қўрққандай нега
Мендан қўрқмаскан ғаним?!

Шуҳрат эмас чорлаган сас,
Уғлингдирман, бағрим бут.
Илдизларим сенга пайваст,
Ўзбекистон, она-юрт.

Мен илдизга айланурман
Ўлди бу, деб кўмган чоғ.
Сен гуллайвер, она-Ватан,
Сен гуллайвер, она-боғ.

* * *

Гар одам йўқолса, кетса бедарак,
Тандирдан чақирар эмиш кексалар.
Токи оташ кирсин қалбига андак,
Токи Ватанига қайтсин бехатар.

Е ўчоқ ичига бошини тиқиб
Йўқолган одамнинг исмин олармиш.
Шу овоз этармиш хаёлин таъқиб
Она-юрт ёдини қалбга солармиш...

Унутиб «қора хат» солган аламни,
Ихлос билан туриб, бетарк ҳар саҳар.
Урушга юртни деб кетган акамни
Ўчоқдан, тандирдан онам чақирар.

* * *

Бизга ҳайрон боқар маҳалла,
Қатталарга биз боқдик ҳайрон.
Қолипларга жо бўлди Қалъа¹,
Гишт қуйдилар, этдилар яксон.

Биз йўқ эдик, янграрди алла,
Уша замин ва ўша осмон.
Сўғдиёна — имло ҳам қалъа,
Бу қалъани этдилар вайрон.

Қалбимизда ўкинчлар тўла,
Қалбимизда бор эрур армон.
Қалбимизда эътиқод — қалъа,
Қалъамизни сақлайлик омон.

¹ XVI асрда қайта қурилган қалъа.

МИРЗО АЗИМИ СОМИЙ БЎСТОНИЙ СУЗИ

I

Сенда бўлса ақлу хуш,
Бу сирни оч:
Нечун қамиш ичи бўш,
Бошида тож!

II

Оғир экан ёзмоқ тарихни, оғир,
Мангитларнинг сергак айғоқчиси шум.
Битилмади қанча воқеаю сир:
«Ва Ф-из-зиёдати қатъул ҳулқум».¹

Гувоҳлар-чи, қоришдилар тупроққа,
Ёзилмасдан ижро этилди ҳукм.
Тарих энди кимни тутар сўроққа:
«Ва Ф-из-зиёдати қатъул ҳулқум».

Кимга керак ҳақиқати йўқ тарих?
Қайлардадир оғизларга солиб мум,
Битолмайди ҳамон ҳақни муаррих:
«Ва Ф-из-зиёдати қатъул ҳулқум».

¹ Бундан ортиқ сўзласам бўғизлайдилар. (Арабча).
Мирзо Азими Сомий Бўстоний (1839—1908), Бухоро
мангит амирларининг тарихчиси. (Авт.).

Қайраб юрар кимдир тишини ҳар чоқ
Тўғри сўзни ёзмоқ бўлгани учун.
Қайлардадир ҳамон берурлар сабоқ:
«Ва Ф-из-зиёдати қатъул ҳулқум».

* * *

Келишиб яшаш оғир,
Кимгадир эса осон.
Елгон билан юзма-юз,
Ҳаром билан ёнма-ён.

Қийналмасдим сира ҳам,
Дуч келмас эди хатар.
Виждонимни ухлатиб
Яшай олсайдим агар.

* * *

Қизиқ, лойдан ясалган хуштак,
«Пуф» дейилса чиқарар товуш.
Хуштак шакли қанотли қушдек,
Аммо сира бўлолмайди қуш...

Қанотинг бор, этолмай парвоз,
Қай бир товуш ҳукмига қарам,
«Пуф» дейилса чиқариб овоз,
Хуштак каби яшадинг сен ҳам.

* * *

Дўстим, рости, сукут сақламоқ увол
Ҳақиқат, деб одамлар этганида жанг.
Ҳеч бўлмаса, ҳалолни дегил ҳалол,
Ҳаромни ҳаром, деб айта олмасанг.

* * *

Темур ака Ганиевга

Табиат ишлари қизиқ, бу не бахт,
Осмонга оёқсиз чиқади дарахт.
Ҳайратга тушмагил, унутма асло,
Осмонга оёқсиз чиқади дарё.
Ўкинманг, юрмоқлик менга деб маҳол,
Осмонга оёқсиз чиқади хаёл.

* * *

Кел, гўзалим, гуллади баҳор,
Ўзбекистон — ям-яшил чаман.
Шамол айлар заминни бедор,
Кел, гўзалим, гуллади Ватан!

Қуёш боқар кўкдан навқирон,
Уйғонмоқда ранглару ҳидлар.
Келсанг, қордай эрийди армон
Ва қалбимда гуллар умидлар.

Гуллар замин, гуллайди осмон,
Гуллар хаёл ҳамда туйғулар.
Ўрик гули — бошингда маржон,
Кел, қалбимда гуллар орзулар.

СОМОНИЙ МАҚБАРАСИ ЁНИДАГИ ДАРАХТГА

Ёйдай эгилибди қоматинг, дарахт,
Шохларинг ўқ каби отилмоққа шай.
Шамолу изғирин этса ҳам карахт,
Оёқларинг ердан ҳеч узилмагай.

Волидангга этаётгандай сажда
Эгилибди бошинг заминга қадар.
Япроқларинг тарихдан сўзлар мужда,
Япроқларинг тарих тилига ўхшар.

«Исмоил Сомоний қурган мақбара
Забт этилса, забт этилар Бухоро!»
Деб Чингиз от сурмиш, бундай манзара
Қирмаганди, дарахт, тушларинг аро.

Обидани этар эдинг ҳимоя
Чингиз лашкаридай шафқатсиз қумдан.
Ўша кеч бош эдинг, эгилди қоя,
Обида кўмилди қумга бир зумда.

Чингиз мақбарани топа олмади,
Этолмади ўшал эҳромни яксон.

Демак, Бухорони забт этолмади,
Дарахтим, шаҳримга сен эдинг қалқон.

Шохларинг ўқ каби отилмоққа шай,
Ҳамиша юрт омон бўлсин, шу матлаб.
Орзуйим, сен каби беармон яшай,
Ёвузлардан она-юртни қўриқлаб.

* * *

Дарахт, сенинг қўлларинг бисёр,
Шохларингга келар ҳавасим.
Панжаларинг очиқ, беозор,
Ҳотам каби очиқ ҳар фасл.

Дарахт, бир-ку бизларнинг замин,
Осмонимиз бир-ку, не сабаб,
Бунча сахий сенинг қўлларинг,
Уяламан қўлимга қараб...

* * *

Уйнаб ариқ лабида
Кемалар оқизардик.
Кемаларга ортилган —
Орзу, Умид, Болалик.

Кеманинг юки оғир,
Шовиллаб оқар ариқ.
Тўлқинларга тўш урар
Орзу, Умид, Болалик.

Вужудни айлади тарк
Қирғоқда қолди Ҳадик.
Оқмоқда Вужудимиз —
Орзу, Умид, Болалик.

* * *

Дарахт шошмай ечинди-ю
(Ишониб кузга)
Узни отмоқ бўлди бехос
Муздай ҳовузга.

Этолмади бунга журъат,
Совуди қони.
Лекин қайта кийинмоққа
Йўқдир имкони.

ОҚ ХАТ

Парча-парча тушар қор,
Ерни ўпиб эрийди.
Осмон хатимикан у?

Ўқий олсам қанийди.

Ер ҳам гўё интизор,
Оқ хабарни шимийди.
Осмон аҳдимикан у?

Ўқий олсам қанийди.

* * *

Ер қаъридан чиққан гиёҳ — хат —
Изҳор этилмаган муҳаббат.
Илдизимдан қулоққа бир кун
Нидо бўлиб келса не ажаб,
Изҳор этилмаган муҳаббат.

Мовий осмон сокин турган пайт —
Изҳор этилмаган муҳаббат.
Юлдузимдан қулоққа бир кун
Наво бўлиб келса не ажаб,
Изҳор этилмаган муҳаббат.

* * *

Ҳовузга шарпасиз кирди йўл,
Соялар пайпаслаб излайди...
Дарахтлар югурар чўзиб қўл,
Майсалар-чи, юм-юм бўзлайди.

Дарахтни етаклаб бўлмаса,
Ҳовузнинг лабида чўкди тиз.
Қайга борар дарахту майса,
Қайга бора олади йўлсиз?

* * *

(Ҳазил)

Сенда чўнтаклар бисёр,
Сенда-чи кўпдир ҳамён.
Тикувчи, чекма озор,
Чўнтаклар менга зиён.

Аъло бўлса кайфият,
Меникидир еру кўк.
Чўнтак, ҳамён. на ҳожат,
Менда пулнинг ўзи йўқ.

Х А Т

Ҳарфлар миллат хотирасидир,
Дарахтларми замин ҳарфлари?
Осмон хотираси йўқми ё
Юлдузларми осмон ҳарфлари?

Қуйлайдиган ҳарф қушлармикин?
Қушлар тил — кўкнинг хабари.
Ҳарфлар замон хотирасидир,
Шоирларми замон ҳарфлари?..

* * *

Қошинг ўсмасини оқизди қаёнга Шоҳруд?
Кўзгу эди қошингаю осмонга Шоҳруд.

Мен қошингни ўсмасига кўзни тиккандим,
Нигоҳимни ошкор этди жаҳонга Шоҳруд.

Қошинг Шоҳруд мавжимиди, боққаним сайин
Усма янлиғ товланади азонда Шоҳруд.

Лаби Ҳовуз ёнидан, бир қош қоқиб бугун,
Элтаётир мени кўм-кўк ёбонга Шоҳруд.

* * *

Хомуш ётар тепалар¹ —
Номи этилмаган қайд.
Енидан биз беҳабар
Утиб кетамиз лоқайд.

Уларда йўқдир забон,
Битилмаган унда байт.
Биз — тили борлар ҳамон
Утиб кетамиз лоқайд.

Юлдуз кашф этиларкан
Марсга етарлар бир пайт.
Қўмилган тарих, сендан
Утиб кетамиз лоқайд.

¹ Бухородаги қадимий тепалар — суғдлар қароргоҳи.

ЙЎҚОЛГАН КИТОБЛАРГА МАРСИЯ

Дейдилар, йўқолган ҳар битта юлдуз
Бўлармиш неча минг йилдан сўнг пайдо.
Дейдилар, олам бутун бир улкан кўз,
Юлдузни топмасдан қўймайди дунё.

Сизни асраб билмай йўқотган эдим,
Юлдуздай қайтадан келмайсиз асло.
Кўзларга айланса ҳамки вуждим,
Кўзларга айланса ҳамки бу дунё.

Сизнинг умрингизга бўлдим-ку зомин...
Қайтадан китобни ёзсайди Сино,
Қоғозга айланар эди бу замин,
Қаламга айланар эди бу дунё.

* * *

I

Амир Абдулаҳад¹ — ҳукмдор,
Имо — ижро, ишора — ижро.
Санамларинг гўзал, бешумор,
Салтанат ҳам гўё жобажо.

Бармоқларинг ҳукмига илҳақ,
Нигоҳларинг ҳукмига тайёр.
Турар гўё кутгандай суяк
Қанча содиқ итларинг қатор...

Камми шодлик, камми тантана?
Салтанату шон-шуҳрат камми?
Тоҷу тахтнинг ғамига яна
Қўшилибди қофия ғами.

Бир байт десанг, лаганбардорлар
Ёзардилар номингдан дoston.
Бир байт десанг, «Девон», «Ашъор» ҳам
Битардилар номингдан осон.

Орзу айб эмасдир зотан
На подшога ва на гадога.

¹ 1885—1910 йиллардаги Бухоро амири, Ожиз та-
халлуси билан шеърлар ёзган.

Шоирликни истадинг-у сан
Аmmo ботдинг молихулёга.¹

Шон-шухратга кимлар ҳирс қўйди,
Холис байтни ўйламай, ё раб!
Кимлар қилди зевар таъмасин,
Кимлар қилди таъман мансаб,

Сен боқий умр таъмасин айлаб,
Қўлларингга олганда қалам,
Ожиз деган тахаллус танлаб,
Ожизлигинг этганда рақам,

Амир, келдим бир хулосага
Ва айтмоққа айладим журъат.
Битиб қўйдим Моҳи-хоссага²
Узгаларга бўлар деб ибрат:

«Ким шеър ёзса жабр қилиб жонга,
Маҳшаргача муқаддас Қалом —
Бетаъмани буркайди шонга,
Таъмагирни этади бадном».

1982

1 Руҳий касаллик, савдойилик, меланхолия.

2 Амирликнинг ёзги қасри.

ОНА

(Туркум)

* * *

Онамнинг айтишича:
Муқаддас—қоғоз,
Уни худди нон каби
Этарлар эъзоз.

Онамнинг айтишича:
Муқаддас—тумор,
Уни худди жон каби
Асрарлар бисёр.

Онамнинг айтишича:
Муқаддас—лайлак,
Муқаддас дарахту туш,
Афсона, эртак.

Онамнинг айтишича:
Неки муқаддас,
Унинг қалқони бўлмоқ
Керак ҳар нафас.

* * *

Онамни топширдик тупроққа,
Онамга айланди бу тупроқ.

Муқаддас саналиб қучоққа,
Онадай жойланди бу тупроқ.
Заминга сиғиниб туну кун,
Унга бахш этаркан ранг, ҳаёт,
Мен билдим, Заминни не учун
Она-Ер атаркан одамзод.

Юрагим тоб бермас фироққа,
Кетмасман Заминдан ҳеч йироқ...
Онамни топширдим тупроққа,
Онамга айланди бу тупроқ.

* * *

Қандай сендан олайн хабар,
Бошланади қайдан остона?
Қай имлода ёзсам хат етар,
Арабийми ё суғдиёна?

Майсаларда йўқ эрур забон,
Майсаларнинг тилида титроқ.
Этолмайди ҳолингни баён,
Гарчи мендан сенга яқинроқ.

Бўзлагайман юрагим тўлиб,
Қайда эшик, қайда эрур йўл?
Қошки эди майсадай бўлиб,
Чўзолсайдим сен томонга қўл...

* * *

Ўзга ерларда осмондан нур
ёғилса, осмон Бухоро еридан нур
эмар экан.

Онам Шамсия мулло Ҳомид
қизи сўзларидан.

Тунлари ўлчайди савоб, гуноҳни
Кўкдаги Тарозу¹ ростгўй, бешафқат.
Мағоқи Аттори² бўлар гувоҳи
Тунларга мен ҳисоб берурман фақат.

Бухоро тунлари сернур, пурзиё,
Заминдан осмонга гоҳи сузар нур.
Тоқи Заргароннинг бошида кулоҳ,
Кўкка бошинг тегса, қиласан ҳузур...

Заминга кўмгандан кейин, дерларки,
Нурга айланаркан бегуноҳ одам.
Бу кеч бир тутам нур кўкка ўрлади,
Бу кеч кўкка қараб кетмоқда онам.

Биламан, эртага бошқа бўлар кун,
Яна-да ёруғроқ бўлади олам.
Қуёшни кўрганда, юрагим, овун!
Эрта қуёш бўлиб келади Онам,

¹ Тарозу юлдузига ишора.

² XII асрда қурилган обида.

ОНАМ ЖАВОБНОМАСИ

«Бисмиллоҳир раҳмонир раҳим,
Ҳали бутдир мендаги имон.
Сен гувоҳсан, дунёи қадим,
Уролмади йўлимдан шайтон.

Кеча-кундуз этдим ибодат,
Мен дунёни сақлай, деб омон.
Дуоларим бўлди ижобат,
Саломат Ер, саломат Осмон.

Уйларимни айладим озод,
Қабрларга улар сиғмагай,
Улар қушдай қоқадн қанот,
Осмонимни қўриқлашга шай...

Умрим этиб бугун сарҳисоб,
Ҳали кирмай туриб қабрга.
Ўзим ёзма равишда жавоб-
Тайёрладим Мункарнакирга».

* * *

Ўзбекистон ёйиб қулочин,
Яна гулга киргани аниқ.
Ёмон кўздан асрамоқ учун
Тутатмоқда онам исиріқ.

Тилсим бордир дѳву париди
Неки хушрўй берарлар озор.
Ўзбекистон елкаларига
Онам битиб қўйганди тумор.

Ўзбекистон топмоқда камол
Лол қолдириб жумла жаҳонни.
Фарзандини асраган мисол
Онам асрар Ўзбекистонни.

* * *

Бориб қолдик ўрмонга,
Отим кишнайди.
Бошини чўзиб осмонга
Ўрмон яшайди...

Висол жойин от билар,
Боқамиз ойга.
Лекин келмади дилбар,
Кутиш бефойда.

Безовта бўлди юрак,
Хомуш отим ҳам.
Бир қушча чалиб ҳуштак,
Қолди ортимдан...

* * *

Деразангнинг пардасида
Тўлқинланади шамол.
Нигоҳимдай кирмоқчи у
Деразангдан, эҳтимол.

Деразангнинг пардасига
Урилади ўйларим.
Ўта олур ундан фақат
Тўсиқ билмас куйларим.

* * *

Учиб кетди, — менга тортиқ
Рўмолчангдан, моҳпайкар.
Узинг, бир жуфт—жондан ортиқ
Тасвир этган, — кабутар.

Учиб кетди кабутарнинг
Тумшуғида қасамёд.
Билмай қолиб биз хатарни.
Қушни йўқотдик, наҳот?..

Сен у томон, мен бу томон,
Гуллади гилос, олча.
Ўртамизда турар ҳайрон
Тасвирсиз бир рўмолча.

* * *

Кимга етар юрагим оҳи
Онам мени тушунмай қолса?
Айтинг, ахир, кимнинг гуноҳи,
Санам мени тушунмай қолса?

Қуюнларга қалбим очаман,
Сўзларимни ёйсин қирларга.
Сўнг ўзимдан ўзим қочаман,
Кўмилажак олам сирларга.

Хаёлимни қуюн титади,
Бўлажаксан сўнг ундан огоҳ,
Қуюн уни тошга битади,
Ўз тилида куйлаб бепарво...

* * *

Ҳалвопазнинг тили ширин,
Сўзларига учмангиз.
Билмай туриб юрак сирин,
Севдим, деб онг ичмангиз.

Ҳалвопазнинг ҳар қилиғи
Ҳалвосидай мулойим.
Фойда бермас кейин йиғи,
Этмоқ қиёмат қойим.

Ҳалвопази Шаҳристони¹
Ҳалвосига бол қўшар.
Сиз бўлсангиз гар меҳмони,
Ҳалво каби ёпишар.

Ҳалвопазнинг тили ширин,
Сўзларига учмангиз.

¹ Эски Бухоро марказининг номи. (Авт.).

БОЛАЛАРГА

* * *

Кескир ўроқ қўлида шайдир,
Отам тинмас ёзу қиш, баҳор.
Сартарошга отам ўхшайди,
Дала уни кутар интизор.

Соқолини қиртишлаб ҳар кун
Далага йўл олади отам.
Даланинг-чи соқоли узун,
Қиртишламоқ керак уни ҳам.

МАНЗАРА

Паровозни кутаётган
Қатор вагондай,
Сув бўйида турган толлар
Сайёҳатга шай.

Шамол эсиб, толлар аста
Этади парвоз.
Эсаётган шамол эса
Гўё паровоз.

* * *

Экишни бошладилар
Келганида навбаҳор.

Униб чиқди даладам
Картошкаю помидор.
Товуқ тухумин олди
Омонвой ботиб терга,
Тухумдан товуқ унар,
Деб уни экди ерга.

* * *

Рассом бўламан, дейди,
Чизгани-чизган сурат.
Қўлида рангли қалам,
Тиним билмас Башорат.

У чизган мушук расми
Ҳалво ёки шакар ер.
Думи қани? — десак гар,
Сандиққа яширган, дер.

Башорат чизган дарахт
Сув ичмас, ичар қандчой.
Новвот емаса йиғлар
У чизган юлдузу ой.

Башорат чизган сурат
Жуда ўхшар ўзига.
Мушук, дарахт, ой, юлдуз
Кирар унинг сўзига.

ИЖОЗАТ

И. В. Гёте

(«Ғарбу Шарқ девони»дан)

Хур:

Сен бамисли жаннатмакон?

Киришинг гумон ҳали.

Жаннатга мен ўзим посбон

Қўринишинг шубҳали.

Муслиммисан, сийратингни

Аён эт ҳаққа, ошиқ.

Курашингни, хизматингни

Беҳиштга этмиш лойиқ?

Магарамки сен қаҳрамон,

Қаерингда жароҳат?

Айтгил, недан шуҳрату шон?

Жаннатга сўнг ижозат.

Шоир:

Такавлуфсиз гаплар дединг,

Бенафдур йўлим тўсмак.

Мен ҳақиқий Инсон эдим,

Курашувчи — бу демак.

Қўксимга боқ, не учун қон,

Унда ненинг изи бор?

Ҳаёт макри, севги — ҳижрон

Уни этмиш ярадор.

Куйлатганди этиб бовар
Муҳаббатнинг қудрати.

Гарчи дунё ўтиб кетар,
Боқий дўстлик ҳиммати.
Чақнаб турдим гоҳ яшиндай
Жўр бўлиб оқилларга.
Токи севги оташидай
Қирсин номим дилларга.
Йиғиштиру итобингни,
Қирит, топай, бериб тан;
Абадийлик ҳисобини
Момиқ бармоқларингдан.

* * *

Шивирлайди дарё хушҳол,
Гард йўқ ҳавода.
Тоғ бўйнига маржон мисол
Сочилган пода.

Гоҳи ўғар сочқи сочиб
Булут оқ — каптар.
Жарликларнинг оғзи очиқ
Ҳайратдан катта.

Мовий дарё шўх сасини
Ютолмай дилхун,
Дарахтларнинг соясини
Тортиб борар кун.

* * *

Уруш қатнашчиси Саъдулло акага

Баҳорда қўл чиқарди
Қўллари қирқилган тут.
Илдизда қолди дарди,
Жароҳат бўлди унут.

Чекмасдан зарра озор
Тиғни этарди қабул.
Одамда ҳам ҳар баҳор
Қўқарганда янги қўл...

МУНДАРИЖА

«Шиддат билан...»	3
Ёз	4
«Шергирон қишлоғи...»	5
«Ариқ бўйи...»	6
«Шоҳи кўйлак...»	7
«Сўфи — хўроз...»	8
«Кўҳна тол...»	9
Машраб	10
«Мўъжиза...»	11
«Дўстим, сира...»	12
«Жанг қизийди...»	13
Европада шаҳид бўлган асқар сўзи	15
«Яширмасди...»	16
«Дарвозаи ўғлондан...»	17
Устод Айний ўғитлари	18
«Куз шамоли...»	20
«Деразалар...»	21
«Пахса девор мағзидан...»	22
«Кенг саҳрода...»	23
«Дарё ҳаромни ювиб...»	24
«Пичоқ санчиб...»	25
«Бухоронинг...»	26
«Лим-лим...»	27
Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Худоёр Сулаймонов сўзи	28
«Ортда қолди...»	29
Афандилар	30
Соғинч	32

«Томирлари...»	33
Қўғирчоқсоз Ҳамробибига марсия	34
«Юрагимни очиб қўйдим...»	35
«Гар одам йўқолса...»	36
«Бизга ҳайрон боқар...»	37
Мирзо Азими Сомий Бўстоний сўзи	38
«Келишиб...»	40
«Қизиқ...»	41
«Дўстим...»	42
«Табиат ишлари...»	43
«Кел, гўзалим...»	44
Сомоний мақбараси ёнидаги дарахтга	45
«Дарахт, сенинг...»	47
«Ўйнаб ариқ лабида...»	48
«Дарахт шошмай...»	49
Оқ хат	50
«Ер қаъридан...»	51
«Ховузга шарпасиз...»	52
«Сенда чўнтаклар...»	53
Хат	54
«Қошинг ўсмасини...»	55
«Хомуш ётар тепалар...»	56
Йўқолган китобларга марсия	57
«Амир Абдулаҳад...»	58

ОНА (ТУРКУМ)

«Онамнинг айтишича...»	60
«Онамни топширдик...»	60
«Қандай сендан...»	61
«Тунлари...»	62
Онам жавобномаси	63
«Ўзбекистон...»	63
«Бориб қолдик...»	65
«Деразангининг...»	66
«Учиб кетди...»	67

«Қимга етар...»	68
«Ҳалвопазнинг...»	69

БОЛАЛАРГА

«Кескир ўроқ...»	70
«Манзара	70
«Экишни...»	70
«Рассом...»	71
Ижозат (И. В. Гётедан)	72
«Шивирлайди дарё хушҳол...»	74
«Баҳорда қўл чиқарди...»	75

«Қямга етар...»	68
«Ҳалвопазнинг...»	69

БОЛАЛАРГА

«Кескир ўроқ...»	70
«Манзара	70
«Экишни...»	70
«Рассом...»	71
Ижозат (И. В. Гётедан)	72
«Шивирлайди дарё хушҳол...»	74
«Баҳорда қўл чиқарди...»	75

Салимов Садриддин.

Ёруғлик одами: Шеърлар. — Т.: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1983. 80 б.

Садриддин Салимов 1946 йили Бухорода турилган. Бухоро Давлат педагогика институтида немис тилидан дарс беради. «Оққушим» (1978), «Эрка қушим» (1980) каби шеъррий тўпламлари нашр этилган. «Ёруғлик одами» деб аталган ушбу китоб ёш шоирнинг ватан, табиат мавзuidaги теран лирик шеърлари, «Она» деб аталган шеъррий туркумидан иборат.

Салимов Садриддин. Человек света. Стихи.